Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 30 август, чоршанба • № 69 (10.745) • Эркин нархда сотилади

1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

Истиқлолли дунёга тараққий ёғду,
Келажаги бугун Ўзбекистон бу!

МАЪНАВИЙ БИРЛИК САРИ МУҲИМ ҚАДАМ

БИШКЕК, 28 август. (ЎзА махсус мухбири Муҳаммад ШАРИФ хабар қилади). Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 28 август куни туркий тилда сўзлашувчи давлатлар раҳбарларининг навбатдаги учрашувида иштирок этиш учун Қирғизистон пойтахти Бишкекда бўлди. Пойтахтнинг «Манас» аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Қирғизистон Президенти Аскар Акаев кутиб олди.

Аэропортда олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Қирғизистон республикалари давлат мадҳиялари янгради.

Қирғизистон ҳукумат уйида Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қирғизистон Президенти Аскар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев иштирокида туркий тилда сўзлашувчи давлатлар раҳбарларининг учинчи учрашуви бошланди.

Давлатлар раҳбарларининг Қирғизистон тупроғида туркий маданиятнинг улкан бойлиги — «Манас» эпосининг 1000 йиллиги тантаналари нишонланаётган пайтда йиғилгани бежиз эмас. Олий даражада ўтган аввалги учрашувларда туркий тилда сўзлашувчи давлатлар раҳбарлари тарихи, маданияти бир бўлган қардош халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш, маънавий уйғунликни янада мустаҳкамлаш борасида келишиб олган эдилар. Мазкур учрашувда эса, қардош давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, маданий алоқаларни тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, учрашувда айни пайтда долзарб бўлиб турган халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикрлашилди.

Президент Ислом Каримов давлат раҳбарлари учрашуви чоғида сўзлаган нутқида иштирокчилар эътиборини сиёсий, иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш, халқларимизни янада яқинлаштириш, шунингдек Орол фожиасини бартараф этиш масалаларига қаратиб, бу борада барча кучларни бирлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу куни «Манас» эпосининг минг йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда иштирок этди ва нутқ сўзлади.

***

Шу куни президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Давлатимиз раҳбарини республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

(ЎзА).



АБДУЛЛА ОРИПОВ
Ўзбекистон халқ шоири

ЎЗ ТЎҒИМ — БАЙРОҒИМ БОР

Ўзбекистон байроғи қанот ёзди чинакам,
Ушбу кунни, айтинг-чи, қайбиримиз кутмадик.
Зарур бўлган чоғда гоҳ, дор тагида туриб ҳам,
Қай биримиз тарихнинг синовидан ўтмадик.

* * *

Донғил сафарга чиқди энди ҳур Ўзбекистон,
Кимгадир оёқ ости, кимга у осмон бўлди.
Шукурким, ўз-ўзини таниди кекса жаҳон,
Яъни ўзбек давлатин жумлаи жаҳон билди.

* * *

Не-не камситувларни кўрган шу бошим билан,
Она халқим, қошингда тизза букиб турибман.
Ўзбекча гапирганда, бир чўкум ошим билан,
Садақаи бахтинг деб, борим тўкиб турибман.

* * *

Гарчи доим унгандир гулчечаклар боғимда,
Темур ва Алишерни эслаймиз такрор-такрор.
Мен-ку, узоқ яшарман, лекин кетар чоғимда,
Тепамда эгилажак ўз туғим, байроғим бор.

* * *

Насиб этмиш бу кунлар, таралсин янгроқ унлар,
Дўстлар билан ёнма-ён қутлайлик бу айёмни.
Илоё, бошимизга келмасин қаро кунлар,
Ўзбегим деб кўтаринг, дўстларим, олтин жомни!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТУРКИЙЗАБОН ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИНИНГ БИШКЕКДАГИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Президентлар, жаноби олийлари!

Муҳтарам Хонимлар ва жаноблар, дўстлар!

Аввало, мен қирғиз дўстларимизга меҳмондўстлик, шод-хуррамлик ва олий даражада навбатдаги учрашувни яхши ташкил қилганликлари учун Ўзбекистон делегацияси номидан самимий ташаккур изҳор этмоқчиман.

Истанбул учрашувидан кейин ўтган давр ичида содир бўлган воқеаларни таҳлил этатуриб, мен аввало диққат-эътиборни одамларимизнинг психологияси ва руҳиятидаги чуқур ҳамда муқаррар ўзгаришларга, мустақилликнинг қисқа давр мобайнида уларнинг маънавий ва сиёсий ўзлигини англаши тарихан янгича шаклланганлигига қаратишни истардим. Бугун биз бу ерда, қирғизлар диёрида халқларимизнинг маънавий қайта тикланиши таг-заминли ва муқаррар тусда эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиляпмиз.

Яқиндагина амалда барча туркийзабон давлатлар жаҳон маданияти ривожига ғоят катта ҳисса қўшган қозоқ халқининг буюк фарзанди Абай таваллудини нишонладилар.

Қирғиз халқи маънавий маданиятининг ноёб ёдгорлиги — «Манас»нинг минг йиллигини шу кунларда бутун туркийзабон дунё тантана билан нишонламоқда. Бу буюк достон қирғизларнинг эрксеварлик руҳи улар яшаш учун кўп асрлар мобайнида олиб борган машаққатли кураш, чет эллик золимларга қарши курашда халқнинг бирлашуви тимсолидир. У узоқ ўтмиш манзараларини акс эттирибгина қолмай, қирғиз халқи ҳамда Марказий Осиёда яшовчи барча халқларнинг тинчлик, ҳамкорлик ва иноқлик тўғрисидаги эзгу орзу-умидларини ҳам ифодалайди.

Истанбул учрашувидан кейин ўтган ойлар ниҳоятда жўшқин ва воқеаларга бой бўлди. Бугун бизнинг учрашувимизда халқларимиз билан давлатларимизни бир хилда тўлқинлантираётган ва бизнинг келажагимиз уларнинг ҳал этилишига боғлиқ бўлган ҳаётимиздаги энг муҳим муаммолар юзасидан фикрлашиб олиш зарур деб ўйлайман.

Давлатларимиз олдида кенг имкониятлар очиляпти, айни вақтда эса бизнинг олдимизда ҳақиқий хавф-хатарлар турибди.

Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, янги мустақил туркийзабон давлатларда тизимли ўзгартиришларни амалга оширишдан иборат жуда мушкул ва ғоят мураккаб жараён дунёда эзгулик билан ёвузлик, инсонпарварлик билан зўравонлик бир-бирига қаттиқ қарама-қарши турган шароитда, баъзан ҳудудларимиздан анча олисда туриб бошқарилаётган мамлакатлар ва сиёсий кучлар таъсир кўрсатаётган шароитда ўтяпти. Шу боисдан ҳам бизнинг учрашувларимиз очиқ тусда бўлиши лозим ва бунга менинг ишончим комил.

Мен яна бир бор шуни таъкидламоқчиманки, **халқларимизнинг тарихий, этник-маданий, маънавий яқинлигидан иборат қатъий фактни қайд этиш мана шу чуқур тарихий-маданий омилга сиёсий ёки айниқса ҳарбий-сиёсий тус бериш йўлидаги уринишларга айланиб кетмаслиги керак.** Бизнинг маънавий бирликка эришиш йўлидаги тарихий жараён асло бошқа давлатларнинг манфаатларига қарши қаратилган эмас.

Туркийзабон давлатлар бошлиқларининг мунтазам учрашувларидан кузатилган асосий мақсадни биз қандай тасаввур қиламиз?

Бизнинг тасаввуримиз ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама инсонпарварлик, маънавий-маданият алоқаларни ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашишдан, савдо ва иқтисодий муносабатларни жадаллаштиришдан, кескин экология муаммоларини, биз Копенгагенда ўтказилган жаҳон ижтимоий анжуманида дунё миқёсида ҳам, минтақавий миқёсда ҳам кўтариб чиққан инсон омили масалаларини ҳал этиш учун куч-ғайратларни жипслаштиришдан иборатдир.

Маданиятларнинг бирлиги асос қилиб олинган учрашувларимизни мана шу нуқтаи назарда авайлаб асраш ва уларнинг нодирлигини таъкидлаш лозим.

Этник-маданий анъаналарни қўллаб-қувватлаш — олий даражадаги анжуманимиз мақсадидир. Учрашувларнинг асосий сабаби сифатида шу принципни сақлаб қолиш керак.

Бишкек декларациясига айни шундай ёндашув асос қилиб олиниши лозим деб ўйлайман.

Бу ерда, менинг назаримда, халқаро ташкилот сифатида ЭКОни қандай тасаввур этишимизни кўрсатиб ўтиш ҳам ўринли бўлар эди. Бу ерда ҳозир бўлган барча туркийзабон давлатлар шу ташкилот фаолиятида амалий иштирок этмоқдалар. **Биз ЭКО нафақат савдо-иқтисодий ташкилот деб биламиз.** Бизнинг назаримизда, бу халқаро тузилмага сиёсий тус бериш йўлидаги уринишлар унинг мақомига ҳам, мақсадларига ҳам, ҳақиқий аҳамиятига ҳам мос келмайди.

ЭКОга аъзо бўлган мамлакатларга шундай кичик минтақавий тузилма қўпроқ тўғри келадики, бунда ҳарбий-сиёсий бирликларни тузмасдан, кўп томонлама қоидалар устун бўлур эди.

Ўз-ўзидан равшанки, вужудга келаётган вазиятда тинчлик ва барқарорликка, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва барқарорликка ҳам минтақамиз чегараларида мавжуд бўлган қарама-қаршиликлар, бир-бирига қарши қўрашлар ва ҳатто урушлар давом этаётганлиги билан хавф-хатар туғилаётганлиги ҳақида гапирмасдан ўта олмаймиз.

Тожикистон ва Афғонистондаги аҳвол бизни ташвишлантирмай қола ол-

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «МАНАС» ДОСТОНИ 1000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАДАГИ СЎЗИ

Муҳтарам Аскар Акаевич!

Ҳурматли меҳмонлар, азиз қирғиз оға-иниларим!

Аввало, барчангизни қардош қирғиз диёридаги улкан шодиёна — буюк «Манас» эпосининг 1000 йиллик тўйи муносабати билан Ўзбекистон халқи номидан қизғин табриклайман!

Азиз дўстлар!

Дунёдаги жуда кўп халқлар ўзларининг буюк-буюк ўғлонларини, мутафаккирларини улуғлашлари одат бўлиб қолган. Буни кўпчилик яхши билади.

Лекин бугунги 1000 йиллик тўйда қатнашишимиз, иштирок этишимиз қирғиз халқининг қадим-қадимий илдизлари ниҳоятда чуқурлигидан нишона, деб биламан. Шу билан бирга, бугунги тантана бутун Туркистонда шундай муқаддас заминда яшаётган халқларнинг илдизлари, томирлари ҳам муштараклиги ва улуғлигининг яна бир бор тасдиғидир.

Бундан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бу тўй нафақат қирғиз эли учун, балки қадимий ва муқаддас Туркистон заминида асрлар бўйи оға-ини бўлиб яшаб келаётган барча халқлар учун катта тантана, зўр шоду хуррамликдир.

Биз, ўзбеклар, бугун «Манас» эпосининг тўйида қатнашар эканмиз, бир нарсадан ҳаққоний фахрланишга ҳаққимиз бор.

Қани айтинглар!

Қирғиз халқининг улуғ ўғлони Манаснинг суюкли умр йўлдоши, елкадоши, тоғу таянчи ким бўлган?

Унинг маслакдоши, достонда айтилганидек, энг қийин кунларида, умрининг охиригача садоқатли сафдоши ким бўлган?

Биз, ўзбеклар, катта ғурур билан, фахр билан айтамизки, бу аёл Бухоро хонининг суюкли қизи Хоникей бўлган.

Шундан кейин, азизларим, Ўзбек ва қирғизнинг қардошлигига яна қандай далил керак? Яна қандай исбот керак?

Азиз дўстлар!

Тўйнинг ажойиб хусусиятларидан бири шундаки, у узоқларни яқин қилади, яқинларни эса тағин ҳам жипслаштириб қадрдон қилади.

Биз бугун жаҳон маданияти хазинасига «Манас»дек асар билан муносиб ҳисса қўшган қирғиз халқининг даҳоси ва бадиий тафаккури билан ҳақли равишда ифтихор қиламиз. Чунки қирғиз халқининг тарихи ва тақдири барча туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг ҳам тарихи ва тақдири билан муштарак боғлиқдир.

Бизнинг ота-боболаримиз: «Бозоримиз ҳам, мозоримиз ҳам бир» деб ўтганлар. Яхши-ёмон кунларда қисмат синовларини биргаликда бошдан кечирганлар, боскинчи ёвларга қарши бирга курашганлар, дўстлик бурчига ҳамиша содиқ қолганлар.

Туркистон халқларининг мумтоз миллий қаҳрамонлари — Гўрўғли, Алпомиш, Манас, Ойсулув, Авазхон сингари сиймоларга хос хусусиятлардан бири шуки, бу одамлар доим ўз атрофларига элу халқни йиғадилар, юртни обод, ҳаётни фаровон этадилар.

Қирғиз халқининг миллий қаҳрамони, донишманд Манас тарқоқ қирғиз қабилаларни, барча туркий элларни бирлаштиришга интилади, одамзодга доимо ватанпарварлик ва мардликдан сабоқ беради.

Қудратли ва салоҳиятли давлат барпо қилиш, уни тараққий эттириш — Манас ботир ҳаётининг бош мақсади ва мазмуни эди.

Бу олижаноб ғоя — ҳар доим бирга бўлиш, дўст бўлиш, ҳамдард, ҳамнафас бўлиш — биз учун, яқинда мустақилликка эришган Марказий Осиё халқлари учун бугунги кунда энг муҳим ва долзарб вазифадир.

Азиз бовурлар!

«Манас» қирғизнинг азалий ва абадий қомусидир, деб айтсак асло муболаға бўлмайди.

Юз йиллар оша ўз ота-боболарининг қутлуғ меросини кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келаётган, қардош-жондош қирғиз дўстларимизнинг бу борадаги ишлари ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Шунинг учун ҳам бу достонни яратган ва унга асрлар давомида сайқал бериб келган қирғиз халқининг бадиий заковатига, ноёб истеъдодли манасчи оқинларга ўз эҳтиромимизни, ҳурматимизни изҳор этиш — бизнинг бурчимиздир.

Яқинда Тошкентда бу

(Давоми 2-бетда).

ГРУЗИЯ ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Грузия давлат раҳбари, Грузия Республикаси парламенти раиси Эдуард Шеварднадзе шу йил 4 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюради.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси 30 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 29 август куни соат 9 дан соат 18 га қадар ва 30 август куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

1995 йил 30 август • № 69 (10.745)

1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

Эл бахтин кўзлаган шарафли, шонли,

Хуршид ДАВРОН

ИСТИҚЛОЛ — УМИД ВА КУРАШ САМАРАСИ

Замонлар ўтиб, келажак авлодлар тарих дарсликларини ўқиб туриб, ўтмиш, яъни бугунги кунлар ҳақида ҳаёл сурар эканлар, камоли ҳайрат ва ташаккур билан бизнинг замондошларимизни — миллатнинг энг фидойи инсонларини эслашлари шак-шубҳасиз

БУНДАН қарийб беш аср аввал буюк ватандошимиз Мирзо Бобур Мовароуннахр туфроғи ислом маданиятининг энг забарли устунлари етишиб чиққан ҳудуд эканлигини ёзган, бошқа ҳеч бир иқлим бундай шарафга эга эмаслигини таъкидлаб, она юртимиз билан фахрланган эди. Оврўпонинг машҳур мутафаккири Карл Ясперс эса инсоният тарихи ва маданиятининг илдизи Ўрта Осиёдадир, деб гувоҳлик берган эди.

Ҳа, биз улуғ аждодлар меросхўримиз, шуҳрли ва қадимий тарих эгаларимиз, шонушавкатли донишмандлар ворисларимиз. Биз буюк математик, астроном ва географ, ҳозирги алжабр илмининг отаси Муҳаммад ал-Хоразмий, «Шайхурраис», «Донишмандлар султони», «Табиблар шоҳи» каби мўътабар номларга сазовор Шарқ Уйғониш даврининг улуғ мутафаккири Абу Али ибн Сино, неча замонавий илмларга пойдевор яратган, қомусий билимлар соҳиби, умумжаҳон фани ва маданиятига бебаҳо ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний, Иккинчи Арасту номи билан танилган, илк нотани кашф этган, фалсафа ва математика илмлари бунёдкори Абу Наср Форобий авлодларимиз. Биз кўзи олдида осмон паст бўлган Мирзо Улуғбек, ислом маданияти ва илм-фани иқлимида беқиёс ўрин тутган Хожа Исмоил Бухорий, Хожа ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Шайх Нажмиддин Кубро, Шайх Абу Мансур Мотурудий, Имом Бурҳониддин Марғилоний ватандошларимиз. Биз шеърият султонлари Мир Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Сўфи Оллоёр, наср пирлари Абдулла Қодирий, Чўлпон набираларимиз. Мухтасар айтганда, номларининг ўзи жилд-жилд китобларга сиғмайдиган самарқандийлар, бухорийлар, термизийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, шошийлар, насафийлар, андижонийлар, туркистонийлар мана шу муқаддас ва буюк юртнинг фарзандларидир.

Бу кўҳна тупроқда яшаган халқлар ўз давлатчилик асосларини минг йилликлар билан ўлчайдилар. Жаҳон тарихи гувоҳ: дунёдаги энг қадимий, энг қудратли ва энг одил салтанатларни бизнинг боболаримиз яратишган. Буни ҳеч ким рад этолмайди. Оврупо олимларидан бири «Қадимги юнонлару форслар яратган нарсаларни кўз билан кўриш мумкин, аммо туркийлар яратган нарсаларни кўз билан кўриб, қамраб бўлмайди, чунки улар қудратли салтанатлар яратган», деб айтганида мана шу ҳақиқатни назарда тутган бўлса ажабмас.

Сўғуд, Хоразм, Бохтаристон, Қанғ... Булар кўҳна Турон заминида ўтган шон-шавкатли давлатлар.., Саклар, массагетлар, хоразмийлар, сўғудийлар, бохтарлар, шошликлар, парканаликлар. Булар қадим тупроқда яшаган, ўчмас изини қолдирган, юксак маданият яратган халқлару элатлар. «Алпомиш», «Ғўрўғли», «Девонул луғатит-турк», «Қутадғу билик». Булар бу қадим халқлардан қолган маънавий обидалар, уларнинг донишманд фарзандлари яратган юксак бадиий асарлар. Бу муборак иқлимда яратилган фалакиёт зижлари, «Муножоту», «Ғиря»лар, достону лапарлар, нақллару ҳикматлар нафақат Туркистон халқларининг, шунингдек, бутун инсоният маънавият хазинасининг дуру гавҳарларига айланган.

Шундай экан, бу доно ва меҳнаткаш халқ бирон бир халқнинг етагида юрмай, ўз давлатчилигини қайта тиклашга киришганда минг карра ҳақли эди. Бу она халқимизнинг қутлуғ вазифаси эди. Бу сизу бизнинг, ҳар биримизнинг ўтмиш аждодларимиз, келажак авлодлар, бутун мутараққий инсоният олдидаги бурчимиз эди.

Ўзбек халқи фақат сўнгги истибдод даврларидагина эмас, азал-азалдан эрк ва истиқлолга интилиб яшаган. Юнон Искандар Мақдуний легионларига қарши чиққан Спитамен, Эрон босқинчиларидан она юртини ҳимоя қилган Тўмарис ва Широқ, араб лашкарларининг йўлини тўсган Диваштич, мўғул ялмоғига қарши жангу исён бошлаган Жалолиддин Хоразмшоҳ, Темурмалик, Маҳмуд Таробий, чор Русияси қўшинлари билан мардона олишган Бобон, Номоз, Пўлатхон, Дукчи эшон каби фидойи юртдошларимизнинг жасоратини, уларнинг миллий тарихимизда тутган ўрнини англашимизга, уларга бўлган сўнмас муҳаббатимизга фақат бир нарса сабаб: баҳодир боболаримизнинг бизга нисбатан таъсирида руҳимизни озод ва бақувват қилувчи зўр қудрат бор. Бу шижоаткор инсонлар шахсиятида, фаолияти табиатида ҳамиша миллат келажагига хизмат қилувчи мана шу маънавий қудратни кўрамиз. БУ ҚУДРАТ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛДИР. БУ ҚУДРАТНИНГ НОМИ ОЗОДЛИКДИР!

Мўғуллар истибдоди авжида бўлган пайтда мамлакат ва башарият тарихи майдонига чиқиб, душман яғмосига қарши кураш рамзига айланган Амир Темур дунёдан кўз юмиш олдидан ўз фарзандларига шундай васият қилган эди: «Ўғилларим, миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақланг. Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. АДОЛАТ ВА ОЗОДЛИК ДАСТУРИНГИЗ ВА РАҲБАРИНГИЗ БЎЛСИН». Ҳар қандай миллатнинг адолат ва озодликка интилиши Ватанни озод ва обод қилиш билан боғлиқ бўлган. Халқимизнинг тўрт йил аввал ўз мустақиллигини жаҳонга баралла айтишдан кўзлаган мақсади ҳам шу эди. Бу мақсад — Ватаннинг ҳақиқий мустақил йўлини барпо этиш ва уни жаҳоннинг илғор, етук давлатлари сафига олиб чиқишдан иборатдир. Зеро, инсоннинг ўз она юрти тақдирига масъуллик сезиши тараққиёт ва истиқлолга равнақ бағишловчи кучли омилдир.

Истиқлол халқимизнинг кўп йиллик оташин умиди ва курашининг самараси, у неча-неча авлодларнинг орзу-армонлари тимсоли, миллий тараққиётнинг энг юксак намунасидир. Бугунги тетапоя истиқлолимиз туфайли миллатимизнинг келажаги нурафшон бўлажак. Илло, ўз эрки, ўз бахтини яратиш учун инсонлар қаердаки кураш олиб бормасинлар — ҳамма жойда ва ҳамма вақт бу кураш келажак учун, ёш авлодлар бахт-саодати учун бўлган. Бунга кўҳна тарихимиз мисол. Мана шу кураш туфайли жаҳон майдонида қадимий ва бой тарихга эга бўлса-да, тенглик ва тараққиёт ҳуқуқидан маҳрум этилган халқ яна қад ростлади, яна ўз овозида куйлай бошлади. Шу кураш туфайли жаҳон майдонида маданияти ва инсоний заковатини яна намойиш этишга қодир бўлган миллат пайдо бўлди. **Мана шу кураш туфайли қуллик салтанати вайронаси устида ёш ва буюк давлат барпо бўлмоқда**. Замонлар ўтиб, келажак авлодлар тарих дарсликларини ўқиб туриб, ўтмиш, яъни бугунги кунлар ҳақида ҳаёл сурар эканлар, камоли ҳайрат ва ташаккур билан бизнинг замондошларимизни — миллатнинг энг фидойи инсонларини эслашлари шак-шубҳасиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТУРКИЙЗАБОН ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИНИНГ БИШКЕКДАГИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

майди. Мамлакатларимиз раҳбарлари ана шу давлатлардаги можаро сўндирилишидан ва минтақада барқарорлик таъминланишидан доимо манфаатдор бўлишлари керак.

Кўшниларимизда вазият барқарорлашувидан биз манфаатдормиз.

Бундай барқарорлашув энг аввало Афғонистон ва Тожикистон халқларининг ўзлари учун зарур. Ўзимизнинг ислоҳот ва ўзгартиришларимизни осойишта вазиятда ўтказишимиз учун бу нарса бизга ҳам зарур.

Навбатдаги масала. Наркотик моддалар ва наркобизнес мустақил давлатларимизнинг миллий хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётганини эътиборга олиб, бу иллатга қарши курашда куч-ғайратларимизни бирлаштириш лозим деб ўйлайман. Наркотик моддалар ишлаб чиқариш, тарқатиш ва истеъмол қилишга қарши курашнинг қучайтирилишини кўзда тутувчи давлатлараро қўшма дастурни ишлаб чиқиш зарур.

Ер куррасининг кўпгина минтақалари каби Марказий Осиё ҳам ғоят катта миқёслардаги экологик офатларга дуч келяпти. Аввало, бу Орол денгизи фожеасига тааллуқлидир. Орол атрофидаги экологик вазият ўз кўламлари ва эҳтимол тутилган оқибатларига кўра минтақавий эмас, балки кўпроқ жаҳоншумул муаммодир. Шу муносабат билан биз БМТнинг Орол бўйича конференциясига катта умид боғлаяпмиз. Конференция шу йил сентябрь ойи охирларида Нукусда бўлиб ўтади ва ҳаммани унинг ишида фаол қатнашишга таклиф этамиз.

Мамлакатларимиз ва халқларимизнинг энг аввало савдо-иқтисодий соҳадаги баҳамжиҳат бирлашиб ҳаракат қилиш муаммолари — учрашув қатнашчиларининг диққат-эътиборини қаратмоқчи бўлганим яна бир масаладир. Олий даражадаги **анжуманимиз ҳеч кимнинг олдига алоҳида сиёсий талаблар қўймайди.**

Баҳамжиҳат ҳаракатимиз руҳи мустақилликни, суверенитетни, ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, тенг ҳуқуқлилик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик каби энг муҳим принциплар асосига қуриляпти.

Муҳтарам жаноб Президентлар!

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий йўлида кенг миқёсдаги икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар ўрнатишга интилиш ўз ифодасини топган. Бунда биз ёндашувнинг асосий мезони — Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатлари эканлигини яширмаймиз. Аҳдлашувчи икки томоннинг миллий манфаатларини бир-бири билан боғлаш ҳамиша ниҳоятда қийин иш бўлган. Давлатлараро даражада эса шундай қилиш яна ҳам мураккабдир. Шу боисдан биз бу ишдаги қийинчиликларга ҳамда вақти-вақти билан етарлича кескин намоён бўлиб турадиган халқаро муаммоларга сабр-тоқат билан ва тушуниб муносабатда бўляпмиз. Ана шу муаммоларнинг кўпи Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришмасдан анча аввал юзага келган.

Биз шунга асосланамизки, ҳар қандай можароли вазият **ўзаро ёнбосишлар асосида тинч сиёсий мулоқот олиб бориш йўли билан** бартараф этилиши лозим. Тутилган йўлларнинг муросасизлиги, уларни янада кучайтириш, зўравонлик ва террор оддий кураш усулларига айланиб қолган, наркобизнес авж олаётган, қонунга хилоф равишда қурол-яроғ билан савдо қилинаётган шароитда айниқса хатарлидир.

Тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик — Ўзбекистон давлати таяниб қурилаётган ва қад кўтариб турадиган учта устундир.

Шу билан бирга биз бир-бири билан боғлиқ ҳозирги дунёнинг бутун мураккаблиги ва бир хил эмаслигини тан оламиз ҳамда кўпчилик бўлиб куч-ғайрат сарфлаш муҳимлигини инкор этмаймиз. Шу муносабат билан мен мамлакатларимизнинг ташқи сиёсий фаолиятини мувофиқлаштириш, бу соҳадаги мавжуд хилма-хилликни бартараф этиш ниҳоятда зарурлигини, «Ташаббуслар танлови» ва чексиз «Ташкилий плюрализм»нинг номатлублигини таъкидлашни истардим.

Бирлашиш «омили» Марказий Осиё давлатлари учун айниқса долзарбдир. Уни тан олиш Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон иштирокидаги минтақавий ҳамжамиятни ташкил этишга олиб келди. Бу давлатлар биргаликдаги куч-ғайратлари билан ўзларининг маърифатли истиқболини шакллантиришга, тараққиёт ва фаровонлик йўлида ривожланиб боришга қарор қилдилар. Марказий Осиё давлатлари ҳамдўстлигининг ташкил этилиши уларнинг бошқа қўшни давлатлардан алоҳида ажралиб чиқишини билдирмай, балки у бозор сари ўтиш шароитида уларнинг ҳатти-ҳаракатларини жипслаштиришга қаратилгандир.

Бирлашиш жараёнини авж олдирмай туриб, Марказий Осиёда тараққиётни ва халқларнинг муносиб турмушини таъминлаш мумкин эмаслигини англаб етиш ниҳоятда муҳимдир. Бирлашиш фақат иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш соҳасинигина эмас, шу билан бирга маънавий, маданий, илмий соҳаларни ҳам қамраб олиши керак.

Муҳтарам жаноб давлат бошлиқлари!

«Манас» достонининг минг йиллиги байрам қилинаётган кунларда қирғиз диёрида ўтказилаётган учрашувимиз ўзининг амалдаги самараларини беришига, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги бирлашиш жараёнларини янада авж олдиришга хизмат қилажагига астойдил ишонаман.

Қардош халқларимиз ўртасидаги муносабатларда Бишкек учрашувининг қардошлик, хайрихоҳлик руҳи ҳамиша ҳамроҳ бўлишига ва уларнинг тобора яқинлашувига ҳамда тинчлик, бахт-саодат ва равнақ йўлида тараққий этишига кўмаклашишига ишончим комил.

Пировардида шу учрашувнинг ташкилотчиларига, хусусан, Қирғизистон Президенти жаноб Аскар Акаевга Ўзбекистон делегацияси номидан яна бир карра миннатдорлик изҳор этишимга ижозат бергайсиз.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «МАНАС» ДОСТОНИ 1000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАДАГИ СЎЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

салобатли достоннинг ўзбек тилидаги янги таржимаси босилиб чиқди. Биз бугун «Манас» ғўзалликларидан халқимизни баҳраманд қилиш ишига катта ҳисса қўшган атоқли шоир-таржимонларимиз Миртемир, Султон Акбарий ва Турсунбой Адашбоевларнинг номларини ҳам ҳурмат билан эслашимиз жоиз.

«Манас»нинг 1000 йиллиги муносабати билан бутун Ўзбекистонда жуда кўп анжуманлар, тантаналар бўлиб ўтди.

Қадрли дўстлар!

Мен сўзимнинг бошида халқларимизнинг яқин қариндошлиги тўғрисида гапирдим.

Ўша гўзал аёл Хоникейнинг синглиси Арука Манаснинг тутинган иниси Алмамбетнинг хотини экан. Бухоро хонининг яна бир қизи эса Сари Арқадаги қозоқ хони Кўкча-ботирнинг аёли бўлган.

Бундай қариндошлик ўша замонларда Бухоро, Талас ва Сари Арка хонликлари орасида тинчлик, осойишталикка хизмат қилган экан.

Мен нима демоқчиман?

Мен шуни айтмоқчиманки, яратганнинг ўзи сиз билан бизга, юртимизга насл-насабимизни асрайдиган, давом эттирадиган гўзал аёлларни — табиат мўъжизасини ҳам ато этган!

Шунинг учун, биродарлар, Оллоҳ-Таоло бизни, қирғизни, қозоқни, туркманни, тожикни, ўзбекни ва бошқа қардошларимизни ҳеч қачон қиз олиб, қиз беришдан, борди-келди қилишдан айирмасин.

Қадрдонларим!

Ўзбек билан қирғиз — бир туққан, бир туғишган. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам, Қирғизистон ҳам қийинчиликларни мардоновар енгиб, ўз мустақиллигини мустаҳкамлаяпти, жаҳон ичра ўзига муносиб мавқени эгалламоқда.

Айниқса, Марказий Осиё давлатлари тепасида чарақлаб турган куёшдан баравар нур эмиб, кўкка қараб бўй чўзаётган азим чинордек бўлиб, бир-бири билан кенгашиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб иш тутаётганлари, «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракатининг кундан-кунга кенгайиб бораётгани айни муддао бўлмоқда.

Бу қондошлик-қардошлик ҳаракатининг эзгу мевалар беришида Манас каби улуғ миллий қаҳрамонларимизнинг руҳи бизга беқиёс маънавий мадад бўлиши шубҳасиздир!

Муҳтарам қирғиз бовурларим, азизлар!

Манас ва Алпомиш — қиёматли дўст. Ўзбек ва қирғиз — қиёматли дўст. Шундай экан, ижозатларингиз билан мен ўзбек халқи номидан, Алпомиш номидан сиз, азизларнинг ҳаммангизни, қадрдон дўстим Аскар Акаевни чин дилдан қутламоқчиман!

Манаснинг тўйи — бутун Туркистоннинг тўйи. Манаснинг тўйида қадим диёримизнинг забардаст мутафаккирлари Рудакий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Маҳтумқули, Абай, Тўхтағул, Бердақ ва бошқа улуғ зотларнинг руҳлари шод бўлаётгани рост бўлсин!

Манасдай суянчи бўлган Қирғизистон гуллаб-яшнасин, равнақ топсин!

БАЙРАМНИНГ ҚАЙНОҚ НАФАСИ

ЧИРЧИҚ. Республика мустақиллигининг тўрт йиллигини нишонлаш арафасида ҳокимлик томонидан қабул қилинган қарорга кўра шаҳарни ободонлаштириш ва тозаликни янада яхшилаш ҳафталиги ўтказилди. Эндиликда кўчалар, ҳиёбонлар, маҳалла ва гузарлар кўрки ўзгача. Оппоқ ғиштлардан қад кўтарган хусусий дўконлар бу гўзалликка яна ҳам файз киритган. «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Чирчиқтрансформаторқуриш» акционерлик жамияти, «Ўзбекхиммаш» заводи жамоа аъзолари шанбаликда фаолият кўрсатдилар.

Ҳаммадан ҳам қурувчиларнинг байрам туҳфаси чирчиқликларни хушнуд этди. Улар 48 ва 30 квартирали 2 та бино қурилишини тугатиб ҳамшаҳарлари қувончига қувонч қўшишди. «Ўзбекхиммаш» заводи ишчилари эса ётоқхонани таъмирлаш юзасидан белгилаб олган режаларининг уддасидан чиқишди.

Шаҳарда айём куни оммавий-маданий тадбирлар, сайиллар истироҳат боғларида, майдонларда, кўчаларда ўтади. Уруш ва меҳнат фахрийлари учун дастурхон ёзилади. Ўша куни чимкентлик меҳнаткашлардан бир гуруҳи чирчиқликларнинг азиз меҳмони бўлишади.

***

ЗАНГИОТА. Бу ерда байрам шарафига йилига 10 миллион дона шампан виноси тайёрлайдиган «Фаритал» қўшма корхонаси, 100 ўринли поликлиника, дорихона, 140 ўринли болалар боғчаси, бир қанча дўконлар, ошхона, сартарошхона, гўшт дўконларининг қурилиши, автобус бекатлари, кўчаларни кенгайтириш ишлари нихоясига етмоқда.

Йил сайин чирой очиб бораётган туман марказидаги боғда Мустақиллик куни катта тантана бўлади. Ҳокимлик томонидан туман аҳлига ош тортилади. Ногиронлар, қаровчиси йўқ кишилар оиласи, ночорлардан 200 кишига совға улашилади. Байрамни яхши кайфиятда ўтказиш учун катта концерт дастурлари тайёрланган. Куннинг иккинчи ярмида Зангиота қишлоғидаги катта ўйингоҳда туман футбол чемпионатининг якунловчи ўйини ўтказилади.

Туман марказида бир хафтадан буён ишлаётган Зангиота жамоа хўжалиги, Акмал Икромов жамоа хўжалиги, «Тўқимачи» давлат хўжаликларининг сабзавот, гўшт, тухум, сут маҳсулотлари савдо ярмаркаси шу куни янада кенгаяди. Бу маҳсулотлар тантана иштирокчиларига анча арзон нархда сотилади.

ТАНТАНАЛАР УЛАНИБ КЕТДИ

Республика мустақиллигининг тўрт йиллиги байрами арафасида Бекобод шаҳри ўзининг 50 йиллик тўйини нишонлади

ЭЛЛИК йил тарих олдида жуда қисқа муддат. Аммо ўтган йиллар Бекобод шаҳри меҳнаткашлари учун жуда катта аҳамиятга эга. Чунки шу давр ичида шаҳар кичик поселкадан республикамиздаги йирик саноат марказларидан бирига айланди. Марказий Осиёда ягона ҳисобланган металлургия заводи ва бошқа кўплаб корхоналар қад ростлади. Айниқса, республика ўз мустақиллигига эришгач, шаҳарда жуда катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни барқорлаштириш, янги ишчи жойлари очиш, республикамизга кўпроқ металл, цемент ва бошқа истеъмол маҳсулотлари етказиб бериш йўлида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Байрам тантаналарига бағишлаб Ўзбекистон металлургия комбинати ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият саройида ўтказилган йиғилишда ана шулар тўғрисида гапирилди. Айниқса, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Ҳакимович Жўрабеков шаҳарнинг 50 йиллик тўйи муносабати билан мамлакатимиз Президентининг шаҳар меҳнаткашларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирганда меҳнаткашларнинг қалби ғурур ва қувончга тўлди. Шаҳардаги бир гуруҳ фахрийлар ва ишлаб чиқариш илғорларининг Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлиги бекободликлар меҳнатига берилган яна бир юксак баҳо бўлди.

Дарҳақиқат, бугун Бекободда амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиликлар тўғрисида узоқ гапириш мумкин. Шуниси қувончлики, шаҳарликлар мустақиллигимизнинг тўрт йиллигини ҳам муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олмоқдалар. Байрам арафасида кўплаб янги иш жойлари ташкил этилди. Супермаркет дўконлари очилди. Кенг ҳажмда ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ишлаб чиқариш корхоналарига янги технологияларни олиб келиш, республикамиз эҳтиёжи узун зарур бўлган янги истеъмол молларини ишлаб чиқариш ой сайин кенгайиб бормоқда. Нафақат булар, шаҳардаги ишлаб чиқариш корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотларнинг ҳозирги давлатлардан ҳам харидорлари ошиб бораётганлиги, чет эл сармояларининг дадил кириб келаётганлиги ана шу ютуқларнинг бир бўлагидир.

Шаҳарда халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият муассасалари ҳам кенгайиб бормоқда. Бу соҳаларда ҳам ислоҳотлар чуқурлашиб бораяпти. 40 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ҳамжиҳатликда, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётганликлари ана шу муваффақиятларнинг бош омилларидан биридир.

Тантанали йиғилиш шаҳар меҳнаткашлари ва меҳмонларнинг сайилларига уланиб кетди. Муҳамедов номли майдон, Гагарин номли шаҳар маданият ва истироҳат боғида байрам тантаналари кечгача давом этди. Шаҳар меҳнаткашлари учун кенг кўламда савдо ярмаркалари хизмат кўрсатди. Таниқли хонандалар ва бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида янграган куй ва қўшиқлар байрамга янада файз киритди.

Биз шу куни бекободлик жуда кўп фахрийлар, ишчилар, хизматчилар билан суҳбатлашдик. Уларнинг барчаси кўрсатилган ғамхўрлик ва эътиборга жавобан янада баракали меҳнат қилиб, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислоҳотларни чуқурлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшажакларини айтдилар.

Юбилей тантаналарида Тошкент вилояти ҳокими Э.М.Рўзиев иштирок этди ва сўзга чиқди.





Галла мустақиллиги учун

УЙИМИЗ БУҒДОЙГА ТЎЛДИ

Мустақилликнинг тўртинчи йилида вилоятимизда биринчи марта давлатга 216 минг тоннадан ортиқ ғалла етказиб берилди. Гектаридан олинган ҳосил ўртача 31 центнердан кўпроқни ташкил этди.

Нон шундай бир улуғ неъматки, унинг таъриф-тавсифига сўз ожиз. Халқимиз уни қадим-қадимдан муқаддас санаб келган, унинг увоғини лабига босиб, кўзига суртган, бошига кўтарган. Республикамизда ғалла мустақиллиги учун кураш янгича маъно ва эъзоз топди. Ғаллакор касби том маънода қадрлана бошлади. Бу, авало, мустақиллик шарофатидир.

Бу йил ғалла йили бўлди. «Олтин бошоқ» далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Уни қисқа муддатларда ва нес-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олишга уюшқоқлик билан киришилгани, ҳамда ғаллакорлар ҳақида катта ғамхўрлик кўрсатилгани туфайли берилган топшириқлар анча ошириб бажарилди. Вилоятимизда далатга 216 минг тоннадан анча зиёд ғалла топширилиб, бу борадаги мажбурият ҳам ошириб уддаланди.

Президентимиз ғаллакорларимизни катта меҳнат зафари билан қутлади. Ана шу қувончли воқеага бағишланиб, вилоят ҳокимлигида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мен ҳам қатнашиб, сўзга чиқдим. Ғаллакорларимиз меҳнати, уларнинг эришган муваффақиятлари ҳақида гапириб бердим, тажрибаларимни ўртоқлашдим.

Ғаллакор учун энг муҳими — муддат. Агар сен донни ерга ўз вақтида сепсанг, қулай агротехника муддатларида ўғитлаб, сувга қондирсанг, майсаларнинг пайҳон бўлишига йўл қўймасанг — марра сеники. Мўлжалдаги ҳосилни олаверасан. Биз ҳам ана шу тажрибага таяниб иш кўрдик. Бултур сентябрь ойи охирларида ерни сифатли ҳайдаб, 36 гектар ерга кузги ғалла экдик. Ҳар гектар ерга 120 килограмм уруғ сарфладик. Бу дала ишларига уч кун кифоя қилди.

Экилган ер майдонини пешма-пеш суғориб, сентябрь ойи охирларида ғаллани бир текис ундириб олдик. Куз ва қиш фаслида ёғинга тўйинган, гектарига 250 килограмм азотли ўғит билан озиқланган, уч марта суғорилган буғдой ҳосили май ойи ўрталарига келиб етилди. Ўрим-йиғимга олдиндан пухта ҳозирлик кўриб қўйганимиз ҳам жуда қўл келди.

17 июнь куни 4 та комбайн ишга тушиб кетди. Ҳамма майдондаги ғалламизни бор-йўғи икки кун ичида ўриб-янчиб олдик.

Суғориладиган ер майдонлари ҳосили яхши бўлди. Режадаги 131 тонна ўрнига 203 тонна буғдой олдик. Ҳосилдорлик режадаги 36,3 центнер ўрнига 57,8 центнерни ташкил этди. Давлат омборлари ҳам рўзғоримиз ҳам дон-дунга тўлди.

Лекин бу билан хотиржамланиб қолишга ҳаққимиз йўқ. Суғориладиган деҳқончиликнинг имкониятлари чексиз. Биз бу имкониятлардан ўринли ва самарали фойдаланиш учун тадбиркорлик билан иш юритишимиз лозим. Қисқаси, Президентимиз айтганидек, ўз еримизнинг ҳақиқий эгаси, хўжайини сифатида фаолият кўрсатишимиз, яъни ҳосилни ер майдонларини кенгайтириш ҳисобига эмас, балки ҳосилдорликни ошириш эвазига йилдан-йилга ошириб боришимиз керак. Бунинг учун ерга қаровни кучайтиришимиз, агротехника талабларига мувофиқ иш юритишимиз айни муддаодир.

Дарҳақиқат, деҳқончилик маданиятини юксалтирмай туриб, кўзлаган мақсадга эришиш амри маҳол. Бусиз деҳқончиликнинг истиқболи йўқ. Ҳозир биз ана шу йўл, мақсад билан янги ҳосил мавсумига тараддуд кўраяпмиз. Ғалла майдонларимизга донни бу йил кузда янада эртароқ сепиб қўймоқчимиз. Мақсадимиз - келгуси йил гектарлардан 60 центнердан ошириб дон хирмони кўтаришдир.

И. МАЖИДОВ.
Қуйичирчиқ туманидаги «Ўжакент» жамоа хўжалиги ғаллачилик бригадасининг бошлиғи.

Байрамингиз муборак, Ўзбекистонлик!

1 СЕНТЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

Вилоят ҳокимлигида

ФАХРИЙЛАРНИ ҚУТЛАШДИ

***ҚАРИЯЛАРИ** ҳурмат-эътибор қилинган, ёшларига ғамхўрлик кўрсатилган юртда қут-барака, ривож бўлади, дейишади. Ҳақ гап. Буни республикамизда амалга оширилаётган ишлар яққол кўрсатиб турипти.*

Мустақиллик куни арафасида вилоятимизда байрам тантаналари меҳнат ва уруш фахрийларини йўқлашдан, уларни бир пиёла чойга таклиф этиб, дуоларини олишдан бошланганлиги ҳам шундан.

28 август куни вилоят ҳокими Э. Рўзиев вилоят, шаҳар ва туманлар уруш ҳамда меҳнат фахрийлари кенгашлари раисларини қабул қилди. Учрашувда вилоят ҳокимлигининг бўлим ва бошқармалари раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

Ҳоким фахрийларга вилоятда амалга оширалётган ислоҳотлар, янгиликлар тўғрисида қисқача гапириб берди. Шунингдек, у жойларда фахрийлар кенгашлари ва оқсоқоллар катта обрў-эътиборга эга эканликлари, шунинг учун ҳам улар аҳолининг хотиржамлиги, тотувлигини таъминлаш, айниқса, ёшлар билан ишлаш, уларни замон руҳида иймон-эътиқодли қилиб тарбиялашга катта ҳисса қўшишлари мумкинлигига эътиборни қаратди. Фахрийлар кенгашларининг фаолиятини янада жонлаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Учрашув бизда чуқур таассурот қолдирди, — деди вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси А.Алимов, — чунки биз бу йигилишда бевосита бўлим ва бошқарма раҳбарлари иштирокида олдимизда турган бир қатор масала ва муаммоларни ҳам ҳал этиш юзасидан фикр алмашдик. Уруш фахрийларига алоқа хизмати, газ, сув ва бошқа коммунал хизматларда, транспортдан фойдаланишда қўшимча имтиёзлар бериш юзасидан мулоҳазаларимизни билдирдик. Бизнинг бу таклифларимиз кўриб чиқиладиган бўлди. Айни вақтда вилоят ҳокимининг фахрийлар кенгашлари ишини жонлаштириш, уларнинг халқ орасида кенгроқ ишлашларини таъминлаш юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари жуда ўринлидир. Биз вилоятимизда уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор учун катта миннатдорчилик билдирамиз.

Шу куни фахрийлар кенгашлари раисларига бир пиёла чой ташкил этилди, эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, вилоятимиздаги шаҳар ва туманларида турли ишлар билан банд бўлган меҳнат фахрийларидан 25 киши вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.





Суратларда: фахрийлар билан учрашув пайти.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Деҳқон дилидаги гаплар

МЕН МУЛК ЭГАСИМАН!

***АЙНИ** кунларда вилоятимизда 2500 дан ортиқ фермер (деҳқон) хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Уларга 30 минг гектарга яқин ер ажратиб берилди. Мустақилликнинг мевалари бўлган бу жамоалар аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга катта ҳисса қўшмоқдалар. Ана шундай фермерлардан бири Тошкент туманидаги «Ҳасанбой» жамоа хўжалигининг аъзоси, миришкор деҳқон Рихсивой ШОРУСТАМОВДИР. У республикамиз мустақилликка эришгач, деҳқонга ерни, чорвадорга чорвани мулк қилиб берилганлигини инқилобий воқеа деб баҳолади.*

— Деҳқон ўғлиман. Қишлоқда туғилиб ўсдим. Вояга етдим. Фермага мудирлик қилдим. Далачилик бригадасига бошлиқ бўлиб ишладим. Қайси ишни лозим кўришса, астойдил меҳнат қилишга, топшириқни ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилишни одат қилганман. Лекин баъзида у-бу масалаларни ҳал қилишда қўлим калталик қилиб қоларди. Чунки мутемиз-да, мулк ўзимизники эмас. Юқоридан бериладиган буйруқ, кўрсатмалар асосида ишлашимиз, раҳбарларнинг чизган чизиғидан чиқмаслигимиз керак бўлади. Баъзан ўзимча ўйлаб, ташаббус кўрсатмоқчи бўлар, у ёки бу ишни ўзимча ҳал қилишга жазм этардим. Лекин бу раҳбарларга ёқмасди. Улардан ҳа ёки йўқ, деган жавобни эшитиш ҳам амри маҳол эди. Ана шундай пайтда хуноб бўлиб кетардим. Қани энди мулк эгаси ўзинг бўлсангу, қанот ёзиб ишласанг, деб қўярдим. Ниятим холис экан, замонлар ўзгарди. Мустақил бўлдик. Президентимизнинг фармони билан фермер-деҳқон хўжаликлари ташкил этила бошланди. Мен ҳам астойдил ишга киришдим. 1992 йилдан бошлаб фермерман.

Ҳозирги кунда 10 гектар еримиз бор. 43 та қорамол боқамиз. Шундан 13 таси сигир, 5 таси ғунажин. Гўштга 10 та буқани сўқимга боқаяпмиз. Ер билан тиллашиб, чорвадаги қийинчиликлар билан беллашиб келганлигимиз учунми қисқа фурсатда фермерликнинг ҳам ҳадини олволдик. Ер ҳам, техника ҳам ўзингники бўлганидан кейин, табиийки, унга муносабат бутунлай бошқача бўлади. Қандай қилиб ҳар бир қарич ердан унумли фодаланиш, қайси экинни қачон экиб, қанча ҳосил олиш, мўмайроқ фойда кўриш йўлларини ўйлайсан, изланасан. Сенга унга қил, буни қил, деб буйруғ берувчилар йўқ. Ҳар бир ишни ўзимиз билиб қиламиз.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Сир эмас, баъзан давраларда деҳқонга қийин бўлди, қора терга ботиб маҳсулот етиштиряпти-ку, бироқ арзонга сотяпти, деган гапларни эшитиб қоламиз. Бундай қараганда тўғрига ўхшайди. Лекин биз бир нарсани унутмаслигимиз керак. Ахир ҳозирги пайтда бозор иқтисоди шароитида меҳнат қилаяпмиз. Чин деҳқонмисан, миришкормисан, меҳнатингдан кўпроқ наф кўришни истайсанми, бозор талабларини, аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда меҳнат қил. Қайси нарса чаққону, қайси маҳсулотнинг бозори касод, азмойишини олиб юр-да. Карамни олайлик. Бу экин ҳосилини биз тўғриси, камроқ истеъмол қиламиз. У илгаридан кўпроқ четга кетарди. Ҳозирги пайтда эса четга сотиш, четга олиб боришнинг ўзи бўлмай қолди. Шундай экан, бу ҳолатни ҳисобга олиш, албатта, зарур. Кўпроқ ерлик аҳоли сеэиб истеъмол қиладиган маҳсулотларни етиштиришимиз керак.

Биз асосан чорвачиликка ихтисослашганмиз. Мол бош сонини кўпайтиргандан фойда йўқ: озуқа етмаса қийин бўлиб қолади. Шуни ҳисобга олиб аввало мол зотини яхшилаб олишга ҳаракат қилдик. Еримиздан қанча маҳсулот чиқади, унга қанча мол боқиш мумкинлигини хомчўт қилганмиз. Мол боши сонини боя айтган эдим. Ана шу молларнинг ҳар бирини алоҳида меҳр билан парваришлаймиз. Ўзимизники бўлгандан кейин вақтида қарашга, вақтида сувидан, озуқасидан хабар олишга ҳаракат қиласан-да.

Оилада олти кишимиз. Ўғилларим барака топишсин, бири трактор ҳайдайди, бири шоферлик қилади, зарур пайтда устачиликни ҳам қилиб кетаверади. Қайним Сотиболди ҳам биз билан. У электр ишларининг устаси. Чилангарлик касбини ҳам эгаллаган. Хуллас, ерга ишлов бериш, чорвага, техникага қараш дейсизми, четдан одам олмаймиз, мутахасис таклиф қилмаймиз, ўзимиз бажараверамиз.

Йилдан-йилга маҳсулот етиштириш кўпаймоқда. Ўтган йили шу вақтда 14 минг 900 литр сут соғиб олган эдик. Бу йил 17 минг 800 литр олдик. Ҳар бош соғин сигирдан кунига 10-11 литр сут соғиб олаяпмиз. Бунда Шарифанинг хизмати катта бўлаётир. Ҳозир ҳисоб варақамизда нақд 50 минг сўм пулимиз бор. Эрта-индин 4-5 тонна гўшт сотсак, пулимиз яна кўпаяди. Бой бўлиб қолдик, деб бемалол айтишимиз мумкин. Ахир, Президентимиз айтяпти-ку, «деҳқон бой бўлса, эл-юрт бой бўлади», деб.

Мен ўйлайманки, бу мустақилликнинг, мулкка эга бўлишнинг самарасидир. Акс ҳолда ҳозирги туриш-турмушимиз етти ухлаб тушимизга ҳам кирмасди. Меҳнат қилардигу, косамиз оқармасдан, биримиз икки бўлмасдан юраверардик. Ахир ҳазилакам гап эмас. Оилада олти киши бўлсак, ҳар биримизнинг ўртача ойлигимиз 3 минг сўмдан айланяпти.

Биласиз, ўзбек халқи болажон бўлади. Пул топса уй қуради, тўй-томоша қилади. Хуллас, орзу-ҳавасли халқмиз-да. Яширишнинг ҳожати йўқ. Бир вақтлари бирон йиғин, тўй, маъракага қилмоқчи бўлсак, раҳбарларнинг олдига ариза кўтариб чиқардик. Озроқ ун, гуруч ёзиб беринг, деб. Ёзиб беришарди. Лекин пулга келганда «ҳозир кассада пул йўқ» сабр қиласиз-да, деган жавобни олардик. Бу табиий ҳол эди ўша пайтда. Чунки хўжаликка аъзо бўлганларнинг сони кўп бўлгани билан салмоғи йўқ, ёлчитиб ишлайдиганлар кам бўларди. Дейлик, бригадада ўн киши. Ана шулардан кўпчилиги ёлчиғиб меҳнат қилмас, хўжа кўрсинга далага келиб кетарди. Баъзилар ҳисобчи билан тил бириктириб, унча иш қилдик, бунча иш бажардик, деб ёздириб қўйишини ҳам билардик. Лекин йил якунига келганда умумий топилган даромад ҳаммага тенг тақсимланар, дангасалар ҳам, лоқайдлар ҳам астойдил ишлаганлар қатори пул олишарди. Мен сизга айтсам, баъзи «илгариги пайт яхшийди, мустақил бўлиб қайтага ютқаздик», деб айтувчилар ўша дангасалар, боқимандаликка ўрганиб қолганлардир. Бундайларга қараб баралла «энди у даврлар ўтиб кетди, қайтиб келмайди, ҳозир тани-жони соғ, билагида куч-қуввати бор ҳар бир одам меҳнат қилиши керак. Меҳнат қилиб ҳузурини, роҳатини кўрадиган замон келди» деб айтиш фарз. Бунга ўз фаолиятим, ҳаётим мисолида иқрор бўлиб турибман.

Лекин биз эришаётган ютуқлар хамир учидан патир, деб ҳисоблайман. Чунки фермерчилик ҳаракати бошланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Айтишадику, фермерлар ватани бўлган Голландиянинг ўзида ҳам бу ҳаракатнинг шаклланиб, мустақил йўлга тушиб олиши учун жуда кўп йиллар керак бўлган. Тағин ҳам бизнинг ҳукуматимизга катта раҳмат. Ҳар бир фермернинг оёққа туриб олиши учун катта имконият яратиб берди.

Лекин, афсуски, бу имкониятдан ҳамма ҳам тўла ва самарали фойдаланиётгани йўқ. Ернинг умрини бекор ўтказаётган, ўт бостириб қўяётган фермерларнинг борлиги кишини ачинтиради. Аммо улар чучварани хом санашмасин. Бир амаллаб кун, ойларни ўтказсак бўлгани, ер ўзимизники, бола-чақамизники бўлиб қолади, ундан ўз билгимизча, хоҳлаганча фойдаланаверамиз, деб ўйласалар хато қиладилар. Ер халқ мулки, у халққа хизмат қилиши, халққа маҳсулот бериши, тўкин-сочинликка манба бўлиб хизмат қилиши керак. Ерни исроф қилган, ернинг умрини бекор ўтказганнинг ҳаёти мазмунли бўлмайди. Демоқчиманки, фермермисан, астойдил ишла. Яхши яшашни истасанг, меҳнат қил, фидойи бўл. Фермер бўлиш осонмас. Фермерликни чидаганга чиқарган.

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ ҚУВОНЧИ

***СЎНГГИ** йиллар ичида бошқа тармоқлардаги каби халқ таълими соҳасида ҳам ислоҳотлар сезиларли даражада амалга оширила бошланди. Бу кўпроқ ўқувчиларга чуқур билим бериш, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш мақсадида мактабларда ўқитишнинг янги шакллари жорий этилаётганлигида ўз ифодасини топмоқда. Эндиликда янги ўқув дастурлари бошланғич синфларданоқ болаларда иқтисодий билимлар бўйича кўникмалар, бозор муносабатлари тўғрисида дастлабки тушунчалар ҳосил қилишни кўзлаб тузилмоқда.*

Билим ва тарбияни ташкил этишнинг лицейлар, гимназиялар, ихтисослашган синфлар сингари янгича шакллари — умумтаълим мактаблари фаолиятини қайта қуришдаги биринчи қадамлардир. Шуни мамнуният билан айтиш керакки, бу қадамлар анча қувончли самаралар бермоқда.

Янги шаклдаги ўқув даргоҳларига мавжуд мактаблардаги энг иқтидорли ўқувчилар танлаб олиниб, улар ўзлари қизиққан фанлар бўйича атрофлича чуқурроқ ўқимоқдалар. Хусусан, ҳозирги пайтда вилоят шаҳар ва туманларида 446,5 минг ўқувчини бағрига олган 868 та мактаб фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг аксариятида ўқувчилар ана шу тарзда илм олаётирлар. Шу муносабат билан ёш авлодни ўқитаётган 35 минг нафар ўқитувчининг ҳам маъсулияти ортди. Лицейлар, гимназиялар, мактаб-интернат, интернатларда ўз касбини чин дилдан севган, дунёқараши кенг, болаларга меҳрибон муаллимлар ишламоқдалар. Ҳозирги пайтда вилоятдаги 8 та лицей-интернат, 5 та гимназия, 6 та лицей ва бир қатор ихтисослашган синфлар фаолият кўрсатмоқда.

Биз яқинда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи О. ТОЖИЕВ билан мулоқотда бўлиб, унга истиқлол йиллари ичида мактаблар, умумтаълимни ривожлантириш соҳасида рўй берган ўзгаришлар хусусида бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Олег Аҳмедович, республикамиз мустақилликка эришгач, халқ таълимини ривожлантиришда ҳам эркинлик нафаси сезилди. Ўқитишнинг эски шаклари ўрнига, янгилари пайдо бўлмоқда. Миллий таълим сиёсати асосида ўқувчиларга бой тарихий, маданий меросимизни сингдиришга кенг йўл очилди. Айни пайтда бошланғич синфларданоқ ўқувчиларга иқтисодий билимлар асосини чуқур ўргатиш, болаларни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш мактабнинг муҳим вазифаси бўлиб қолди. Шу муносабат билан вилоят халқ таълими тизими ва мактабларнинг бугунги фаолияти тўғрисида тўхталсангиз.

— Бугун республикамиздаги каби вилоятимизда ҳам халқ таълими давр илгари сураётган талаблар асосида ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Маълумки, бундан бир неча йилгина аввал ёш авлодга билим ва тарбия беришни юқори даражада ташкил этиш, ўқитувчиларнинг савиясини мунтазам ошириб бориш, ўқув муассасалари моддий базасини мустаҳкамлаш, мактаб ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини амалда таъминлаш кўзда тутилиб, Ўзбекистонда «Таълим тўғрисида» қонун қабул қилинган эди. Биз вилоятда халқ таълимини равнақ топтиришда ана шу муҳим ҳаётий ҳужжатга таянмоқдамиз. Чунки бу қонунда мактаблар фаолиятини янгича йўлга қўйишнинг йўналишлари аниқ ифодасини топди ҳамда бажариладиган ишлар кўлами равшанлаштириб берилди. Мазкур қонунга мувофиқ ўзимизнинг жорий ва истиқбол режаларимизни тузиб олдик ва унга кўра иш юритяпмиз.

Шуни айтиш керакки, белгилаб олган йўналишимизда ўқувчиларга иқтисодий билимларни пухта ўргатиб бориш, уларнинг чет тилларни мукаммал эгаллашларига, маънавий етук, жисмоний соғлом бўлишларига эришиш — бош ўринни эгаллайди. Бу бежиз эмас. Бугунги ёшлар мамлакатимизнинг эртанги бошқарувчиларидир. Шу муносабат билан бугун мактаб парталарида ўтирганларга математика, информатика, физика, кимё, география, она тили ва адабиёт, тарих фанлари чуқур ўргатилиб борилаётир. Ўқувчилар этика, маданий ахлоқ асосларини эгаллай бошладилар. Албатта, бу фанларни болалар ўз-ўзларидан ўзлаштириб қолмайдилар. Санаб ўтилган предметлар бўйича билимларнинг чуқурлашуви ўқитувчиларга боғлиқ эканлиги ҳаммамизга аён. Шу боисдан ҳам биз ҳар йили вилоят, республика ўқитувчилар малака ошириш институтларида муаллимлар билим савиясини оширишга эътиборни кучайтиряпмиз. Бундан ташқари, биз турли долзарб мавзуларда анжуманлар ўтказиш орқали ҳам илғорлар тажрибаларини ёйишга ҳаракат қиляпмиз. Хусусан, бундай анжуманлар шаҳар ва туманларда аниқ режа асосида уюштириб борилмоқда. Улар мактабларда электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш, тарихимизни ўрганиш, математика дарсларини чуқур ўтиш каби қатор муҳим мавзуларга бағишланмоқда. Айни пайтда ўтказилган «Ўқитувчи-94», «Ўқитувчи-95» танловлари, «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» мавзуидаги туман, шаҳар, вилоят кўриклари ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Бундай кўрик-танловлар нафақат ўқитувчилар ўртасида, балки ўқувчилар орасида ҳам кенг ташкил этилмоқда.

Биз бундан буён ҳам бундай тадбирларни мунтазам ўтказиб борамиз. Ўқитувчиларнинг август кенгашларида бу борада батафсил гаплашиб олдик.

— Дарвоқе, дарсликлар ҳақидаги фикрингизни ҳам билмоқчи эдик. Бу йил улар билан ўқувчиларни таъминлашда қийинчиликлар туғилмайдими?

— Вилоятимиздаги барча мактабларни дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш масаласи халқ таълими бошқармасида, вилоят ўқитувчиларининг кенгашларида бир неча бор кўрилди ва бу борада зарур тадбирлар белгиланган. Кейинги йиллар ичида мактаб кутубхоналари дарсликларни яхши сақлаш билан боғлиқ сухбатлар ўтказганликлари, ўқувчиларни китоблар билан таъминлашни анча яхшилади. Айни пайтда биз мактаб талабаларини истиқлол шарофати билан янгидан чиқарилаётган она тили, адабиёт, Ўзбекистон географияси дарсликлари билан таъминлаш учун бор имкониятлардан фойдаланяпмиз. Шунингдек ўзгариш киритилмаган, мавзулари асл ҳолича сақланиб қолган ўтган йилги дарсликлардан фойдаланиш давом этади.

Республикамиз халқ таълими вазирлиги қозоқ, рус, тожик ва бошқа тилларда дарс ўтиладиган мактабларни ҳам зарур адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўрди. Бу мақсадда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари билан дарсликлар алмашаяпмиз.

— Халқ таълимининг бундан буёнги равнақи ҳақида тасаввурингиз қандай?

— Юқорида таъкидлаганимдек, халқ таълимининг равнақи иқтисодий билимларни чуқурлаштириб ўргатишда ўз ифодасини топади. Бунда фақат мактаб ўқитувчиларининг ўзларигина эмас, олий ўқув юртлари, илмий муассасалар ходимлари, олимлар ҳам фаол иштирок этишлари режалаштирилган. Биз мактабларга фаннинг турли соҳалари бўйича етук мутахассисларни жалб этмоқчимиз. Айни пайтда иқтисодий, маънавий билимларни болага ёшлигидан сингдириш мақсадида боғча, мактаб, боғча-мактаб-гимназия тарзидаги ўқув усулини жорий этиш ниятимиз бор.

Маълумки, янги ўқув йили ҳаммамиз учун қувончли бўлган мустақиллик байрами билан уйғун ҳолда келмоқда. Шу боис биз биринчи дарсларни мамлакатимизнинг мустақиллиги моҳиятини ўқувчилар онгига батафсил етказишга ҳаракат қиламиз. «Ўзбекистон — менинг ватаним», «Она юрт тупроғи кўзимизга тўтиё», «Биз юртимизнинг муносиб фарзандларимиз», «Мустақил республикам — менинг фахрим» мавзуларидаги суҳбат-дарслар билан ўқув йили бошланади. Ғайратимиз, куч-қувватимизни мактабларда ўқувчиларга пухта билим бериш, янгича шаклланган ўқув даргоҳлари ишини юқори даражада ташкил этишга бағишлаймиз. Фурсатдан фойдаланиб, вилоятимиз халқ таълими ходимлари, ўқитувчиларни ва мактаб талабаларини қўш шодиёна билан қутлайман. Уларга янги зафарлар тилайман.

Суҳбатдош С. ҲАСАНОВ.

Фойдаланишга топширилади:

- **ЮҚОРИЧИРЧИҚ — 834 ўринли 6-ўрта мактаб**
- **БЎКА — 32-мактабнинг биринчи навбати**
- **ЎРТАЧИРЧИҚ — 22-ўрта мактабнинг қўшимча синфлари**
- **ОҲАНГАРОН — Қораҳтой қишлоғида 280 ўринли боғча**

БАЙРАМНИНГ ҚАЙНОҚ НАФАСИ

ЎРТАЧИРЧИҚ. Айём олдидан Мустақиллигимизнинг тўрт йиллигига бағишлаб «Маҳалла — тарбия маскани» кўриги ўтказилди. Танловда яхши маҳаллаларда қилинаётган ишлар ўрганилди, илғор маҳаллалар рағбатлантирилди. «Зиёкор-95» кутубхоначилар кўригида эса марказий кутубхона ходими Нодира Норматова кўрик ғолиби бўлди. «Манас» эпосининг 1000 йиллигига бағишланган тадбир ҳам сермазмунлиги билан эътибор қозонди.

Сентябрнинг биринчи тонгида байрам аҳолига ош тортиш билан бошланади. Спорт ўйинлари, халқ сайли ўтказилади. Савдо ярмаркаларида қовун сайли, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилиб, улар 50 фоиз арзон нархда сотилади.

Шу куни ўртачирчиқликлар байрам совғасига эга бўладилар. Пайпоқ тўқиш фабрикаси, дорихона, тижорат дўконлари, сартарошхона, бозор очилади.

***

ОЛМАЛИҚ шаҳри аҳолиси ҳам байрамни муносиб кутиб олиш учун катта тайёргарлик кўрдилар. Айём арафасида автосалон қурилди. Унда қариялар учун 75 ўринли чойхона, зиёратлар зали ва савдо маркази бор. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида янги цехлар ишга туширилди. Уларда янги истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланди. «Чамбил» маҳалласининг 150 хонадонига газ берилди. Пиримқулов, Улуғбек кўчаларида бир нечта савдо шаҳобчалари бунёд этилди. Бундан ташқари шаҳарни ободонлаштириш бўйича бошқа ишлар ҳам амалга оширилди.

Байрам муносабати билан кенг ҳажмда ҳайрия ишлари амалга оширилди. Жумладан, кам таъминланган оилаларга, фахрийларга совғалар топширилди.

Мустақиллик кунида шаҳар марказида катта тантана бўлади. Спорт ўйинлари уюштирилади, маданият уйларининг хушовоз хонанда ва раққосалари ўз куй-қўшиқлари билан хизматда бўладилар. Бу халқ сайлида кенг кўламда савдо хизмати йўлга қўйилади.

***

ОҲАНГАРОН. Туман аҳли байрамни муносиб ютуқлар билан нишонламоқда. 25 август куни бу ерда 240 ўринли боғча очилди. Янгигўштсой мавзеси электр қуввати, тоза ичимлик суви билан таъминланди. Увак, Тепов қишлоғида, «Ангрен» ширкат жамоа хўжалиги марказий кўрғонига табиий газ берилди. Туман ҳудудида янги бозор, сабзавот хусусий тижорат дўконлари очилди.

Август туманда «тозалик ойи» деб эълон қилинган эди. Ҳар шанба кунлари корхоналар, маъмурий бинолар ён атрофлари тозаланиб кўркамлаштирилди. Тумандаги барча қишлоқларда, кўрғонларда байрамга бағишлаб турли маданий тадбирлар ўтказилмоқда.

Байрам тонгида туман марказида наҳорга ош тортилади. Спорт мусобақалари уюштирилиб, хушовоз хонандаларнинг куй ва қўшиқлари янграйди. Дастурхон тўрида уруш ва меҳнат фахрийлари азиз меҳмон бўлишади.

ТАМАЛ ТОШИ

Меҳнат бошқармаси янги иш ўринлари очаётганларга ёрдам беribгина қолмай, мулкдорлар ва тадбиркорларни ҳам қўллаб-қувватламоқда

Давлат мулкини хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш, уни хўжалик юритишнинг тамал тошига айлантириш мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг туб мазмуни бўлмоқда. Бу ишларга вилоят Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси ҳам баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшаётир. Бошқарма фаолияти кейинги йиллар ичида тубдан ўзгарди, республика Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қўйган вазифаларни амалга оширишда алоҳида ўрин тутмоқда.

Вилоятимизда кейинги тўрт йил мобайнида хусусий ва кичик корхоналар, чорвачилик ва деҳқончиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари очиш, ишлаб чиқариш ва тижорат фирмалари ташкил этиш айниқса кўпайди. Эндиликда вилоят миқёсида ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли молларининг салмоқли қисми ана шу кичик ва хусусий корхона ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бугун улар том маънода саноат ва қишлоқ хўжалигида ўзининг мустаҳкам мавқеига эга бўлдилар, деб айтиш мумкин.

Тадбиркорларнинг белгилаган режалари бўйича иш бошлаб юборишлари ва иқтисодий мустаҳкамланиб олишлари учун зарур ёрдам кўрсатиш, шу йўл билан ҳам янги иш ўринлари очиш ва аҳолини иш билан таъминлаш меҳнат бошқармаси фаолиятида муҳим ўрин тутяпти. Бошқарма уларни бандлик жамғармаси ҳисобидан маблағ билан етарли миқдорда таъминлаётир. Ўтган йили ва шу йилнинг ўтган даврида биз 87 та ана шундай кичик ва қўшма корхоналар, фермер хўжаликларининг ташкил топиши учун 46,6 миллион сўмлик ёрдам бердик. Эндиликда бошқармамизга фақат кичик корхоналар ва фермерларгина эмас, шу билан бирга йирик завод ва корпорациялар ҳам ёрдам беришимизни сўраб мурожаат қилмоқдалар. Жумладан, Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли халқ корпорацияси ишлаб чиқариш корхоналарини иш билан таъминлаш, тикувчилик ва пайпоқ тўқув фабрикасига ускуналар ўрнатиш учун 2 миллион сўм қарз беришимизни сўраган эди. Корпорациянинг ишлаб чиқариш қуввати ва имкониятларини таҳлил қилиб, дастлабига бир йилда қайтариш шарти билан 1 миллион сўм ажратишга қарор қилдик. Бошқарма вакиллари яқинда у ерда бўлиб, амалга оширилаётган ишлар билан танишганларида белгиланган режалар тўла бажарилаётганини кўрдилар. Энг муҳими бу ерда 320 та янги иш ўринлари яратилаяпти. Демак, қишлоқ хўжалигидан бўшаб чиқаётган деҳқон ва чорвадорларни шу ернинг ўзида доимий иш билан таъминлаш учун барча имкониятлар яратилаяпти.

Ангрендаги «Керамика» комбинатининг раҳбари А. Аликулов ҳам бошқармага келиб, корхонада катта ишлар амалга оширилаётганини сўзлаб берди. Маълум бўлишича, ҳозир корхонанинг кўли қисқалик қилаётгани сабабли ишлар яримёрти бўлиб қолиши хавфи пайдо бўлибди. Бошқарма мутахассислари корхонага бориб, қилинаётган ишлар билан атрофлича танишганларидан сўнг бир йил ичида 140 та янги иш ўринлари очиш шарти билан 500 минг сўм қарз ажратилди.

Паркент тумани ва Чирчиқ шаҳридаги кўзи ожизлар жамияти корхоналари ҳам шу тарзда 500 минг сўмдан, Зангиота туманидаги «Оқ йўл» фирмаси 50 минг сўм, Бўстонлиқ туманидаги «Бунёд» кичик корхонаси 500 минг сўм, Юкоричирчиқ туманидаги «Учқун» кичик корхонаси 250 минг сўм қарз олдилар. Берилган ёрдам эса энди ўз самарасини кўрсатаётир. «Бандлик» дастури бўйича йилнинг ўтган ойларида қайта ишга тушаётган ва кенгайтирилаётган корхоналар ҳисобига 4133 та ўрнига 6744 та янги иш ўринлари вужудга келди.

Меҳнат бошқармаси бундан кейин ҳам мулкдорлар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўзларини тиклаб олишлари ва фаолиятларини янада ривожлантиришлари учун амалий ёрдам беришни янада кучайтираверади. Улар эса, қарс икки қўлдан деганларидек, ўз навбатида янги корхоналарни ишга тушириш, кенгайтириш ва таъмирлаш ҳисобига шаҳар ва қишлоқларда йил охиригача яна 4700 тадан кўпроқ кишиларни иш билан таъминлашимизга ёрдам берадилар. Одамларни иш билан таъминловчи кичик ва хусусий корхоналарнинг тез ривожланиши пировардида белгиланган ислоҳотларни тезлаштириш имконини бермоқда.

Республикамизнинг барча аҳолиси қатори бошқармамиз жамоаси ҳам улуғ байрам — Мустақиллик кунини муносиб кутиб олмоқдалар. Биз аҳолини ижтимоий ҳимоялаш билан бирга тадбиркор ва мулкдорлар фаолиятини кўчайтириш, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни тезлаштириш ишига ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан бехад мамнунмиз.

З. МУСАЕВА,

вилоят Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини.

БАЙРАМНИНГ ҚАЙНОҚ НАФАСИ

ЮҚОРИЧИРЧИК. Ҳар қачонгидек, бу туманда Мустақиллик байрамини карнай-сурнайчилар, хонанда ва созандалар эрта тонгдан бошлаб берадилар. Айём олдидан саранжом саришталанган, озода, ранг-баранг кўргазмалар билан жиҳозланган кўчалар бўйлаб фахрийлар, дала меҳнаткашлари бош майдонга отланадилар. Уларни бу ерда бошланғич синфларнинг ўқувчилари, боғчаларнинг жажжилари гуллар билан қаршилайдилар. Сайл олдидан Истиқлол айёмига бағишланган йиғин ўтказилади.

Серфайз дастурхон атрофида туман аҳлига ош тортилиб меҳмон қилингач, туғруқхонада 1 сентябрь тонгида туғилган чақалоқлар ота-оналарини қутлаш тадбири ўтказилади. Бундан тўрт йил аввал мустақиллик билан бирга туғилган болаларни табриклаш тантанаси шу кунга режалаштирилган.

Юқоричирчиқликлар катта шодиёнада бир қатор байрам совғаларига эга бўладилар. 834 ўринли янги мактаб қалити муаллимларга топширилади. «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман бўлими учун қурилаётган дорихона, бозор ҳудудида қад кўтараётган бир қатор дўконлар очилади.

Шу куни ҳокимлик фаоллари кам таъминланган оилалар, ногиронлар, кексаларни йўқлаб бўлганларидан сўнг шифохоналарга бориб, беморларни байрам билан қутлайдилар, уларнинг ҳолидан хабар оладилар.

Бутун кун давомида туман бош майдонида, истироҳат боғида, ўйингоҳда мустақиллик тантаналари билан боғлиқ маданий ва спорт тадбирлари ўтказилади.

***

ҚИБРАЙликлар мустақиллигимизнинг тўрт йиллигини муносиб кутиб олиш учун анча олдиндан тайёргарлик ишларини бошлаб юборишган эди. «Роҳат» ҳиссадорлик жамияти, туман йўл қурилиш бошқармаси, «Маҳалла» жамғармаси жамоалари ташаббус билан чиқдилар. Улар байрам шарафига ўтказилган шанбаликдан тушган бир кунлик иш ҳақларини тумандаги кам таъминланган, боқувчисиз қолган болаларга ёрдам бериш учун ўтказдилар. Бу ташаббус тумандаги барча корхона ва ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, туманда айём арафасида янги қурилган савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топшириш тадбири ҳам бўлиб ўтади.

Қибрай, Салор қўрғонларида, Байтқўрғон, Янгиобод, Чинобод, Тузел, «Май» қишлоқларида хусусий дўконлар, ошхоналар, дорихоналар, тижорат дўконлари, тикиш, пойабзал устахоналари қад кўтарди. Кўркам гузарлар барпо этилди.

Байрам куни марказнинг Мустақиллик майдонида катта халқ сайли бўлади. Барча савдо ташкилотлари, хўжаликлар, корхоналар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ярмаркасини ташкил этадилар. Наҳорги ошдан сўнг Қибрай катта ўйингоҳида спорт мусобақалари уюштирилади.

***

ПАРКЕНТ. Марказий кўчанинг икки томонига ҳар бир хўжалик, ташкилот ўзининг «байрам уйи»ни қуриб, файзли дастурхонларини ёзиш тараддудида. Дошқозонларда 800 килограмм гуруч солиб дамланган ош тантана иштирокчиларига тортилади.

Айёмга республикада хизмат кўрсатган қатор артистлар файз қўшадилар. Туман маданият муассасалари бадиий ҳаваскорлари катта концерт дастурини намойиш этадилар. Савдо ярмаркалари аҳоли хизматида бўлади.

Байрам олдидан бошланган турли спорт мусобақалари шу куни ҳам давом этади. «Ҳисарак» жамоа хўжалигининг ўйингоҳида туман биринчилиги учун якуний футбол мусобақаси ўтказилади.

Эртага бу ерда «Паркентшароб» ҳиссадорлик жамиятига қарашли шампан виноси цехи очилади. Шинам қилиб қурилган автобус бекатлари, ҳусусий савдо дўконлари, ошхоналар, автосервис, сартарошхоналар фойдаланишга топширилади.

Туман ҳокимлиги кам таъминланга оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар, етим-есирларга ажратилган маблағлар, совғалар, озиқ-овқат маҳсулотларини уйма-уй тарқатади.

***

ЧИНОЗ. Бу йил чинозликлар катта байрамга алоҳида ҳозирлик кўришди. Туман ҳудуди кўркамлашди. Кўпгина қурилишлар ниҳоясига етди. Байрам куни Пахта қўрғонида 50 ўринли шифохона фойдаланишга топширилади. Янги Чиноз бозори, рассомлар уйи, гўшт расталари, ишга тушади. Олмазор қўрғони, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида табиий газ келтирилиши муносабати билан аҳолини қутлаш тадбирлари ўтказилади.

Чиноз марказий истироҳат боғида, Янги Чиноз шаҳарчаси, Олмазор қўрғони, Эски Тошкент қишлоғи марказларида сайиллар ташкил этилади. Савдо ярмаркалари байрам иштирокчиларини турли маҳсулотлар, моллар билан ҳушнуд этади.

Маҳаллаларда фахрийлар билан бир пиёла чой устида суҳбатлар бўлиб ўтади. Кейин байрам иштирокчиларини ўйингоҳлар, ёзги томошалар майдончалари ўз бағрига олади. Байрам юқори кайфиятда ўтиши учун туманда барча имкониятлар ишга солинмоқда.

ТОШКЕНТ ПРОФЕССИОНАЛ ТЕННИСЧИЛАРНИ ОЛҚИШЛАМОҚДА

КЕЧА республикамиз пойтахтида Ўзбекистон Президенти кубоги учун II Халқаро теннис мусобақалари тантанали суратда очилди.

Аслида теннис беллашувларининг старт олганига бир неча кун бўлди. Тошкентнинг улкан спорт кошонаси — «Юнусобод» теннис клуби 14 та хорижий давлатлардан ташриф буюрган теннисчиларнинг севимли ўйингохига айланишга улгурди. Бу йил иккинчи бор ўтказилаётган мазкур нуфузли турнирда Испания, Германия, Аргентина, Марокаш, Швеция, Венгрия, Австралия, Италия, Франция, АҚШ, Польша, Бельгия, Исроил давлатлари каторида жонажон юртимиз вакиллари ҳам иштирок этишмоқда. Асосий ўйинларда хамюртларимиз Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Темур Хонхўжаев, Темур Ғаниевлар ҳам ўз имкониятларини синаб кўрадилар. Шунингдек, турнирнинг илк босқичида (мазкур беллашувда 32 нафар спортчи иштирок этиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 4 нафарига асосий ўйинларда қатнашиш ҳуқуқи бериларди) Фарҳод Ғуломов, Абдулҳамид Маҳкамов, Ғанишер Рахматуллаев, Олег Дуаченко, Улуғбек Рахматуллаев, Улуғбек Мусаев, Дмитрий Ермаков, Антон Кокурин, Эдуард Мурашовлар ҳам кортларга чикишди.

Ўтган йилги «Президент кубоги» беллашувларида қатнашган спортчилардан 3 нафари бу гал ҳам ташриф буюришган. 1994 йилги Халқаро мусобақада америкалик Чак Адамс (у профессионал теннисчилар Ассоциацияси таснифида 85-ўринда туради) ғолиб келган эди. Бу йилги иштирокчилар маҳоратини Испаниядан ташриф буюрган Аресси Харди белгилаб турибди. У жаҳонда маҳорати жиҳатидан 57-ўринда бормоқда. Шунинг ўзиёқ турнирнинг нуфузи, обрўси ошиб бораётганидан далолат бераётир. Шу билан бирга турнирда теннис оламида машҳур бўлган германиялик Штиб Карл — Уве, аргентиналик Франко Давин, марокколик Карим Алами, швециялик Магнус Густафссон, венгриялик Шандор Нозали, россиялик Андрей Черкасов, америкалик Брайан Даннлар ҳам бор.

Асосий ўйинлар 28 августда бошланди. Биринчи кун хамюртимиз Дмитрий Томашевич учун омадсиз келди. У испаниялик Карлос Мояга 1/6, 4/6 ҳисобида ютқазиб қўйди. Француз Фредерик Виту хамюрти Леан Ноел Гриндани ҳам худди шу ҳисобда мағлуб этди. Мамлакатимизнинг яна икки вакили Темур Хонхўжаев ва Темур Ғаниевларга ҳам омад кулиб боқмади. Хонхўжаев Магнус Густафссон билан бўлган ўйинда 0/6 ва 3/6 ҳисобида мағлубиятга учради. Магнуснинг маҳорати юксак. У асли швециялик. Рейтинги бўйича 126 ўринда, 1991 йили жаҳон профессионалларининг биринчи ўнлигидан жой олган. Профессионал теннисчилар Ассоциациясининг 7 та унвонига сазовор бўлган, Ғаниевнинг рақиби эса америкалик. 1993 йили ўсмирлар ўртасида ўтказилган очиқ чемпионат ғолиби, Брайан Данн кучли профессионаллар бўйича 177-ўринда. Ўз ўзидан кўриниб турибдики, Темур Ғаниевнинг Брайанга бас келиши мушкул эди. Шундай бўлсада, Ғаниев бўш келмади: иккала сетда ҳам 4/6 ,4/6 ҳисоби қайд этилди. Энди ёлғиз умидимиз Олег Огородовдан. Олег кеча биринчи ўйинини ўтказди.

28 августда бўлиб ўтган бахсларнинг қолганлари қуйидаги натижалар билан якунланди: Гаррис (Испания) — Бланго (Испания) — 6/4, 6/3; Давин (Аргентина) — Ран (Исроил) — 6/4 6/4; Горсе (Бельгия) — Янссон (Швеция) — 6/2, 6/0; Фонте (Франция) — Порта (Испания) — 6/4, 6/4; Алварес (Испания) — Илие (Австрия) — 7/6, 7/6.

А.МАМАДАМИНОВ.

Суратларда: ҳамюртимиз Д.Томашевич; совриндлар эгаларини кутмокда; ўйингоҳ узра мамлакатлар байроклари ҳилпирамокда.

Д.АҲМАД ва А.МАМАДАМИНОВ олган суратлар.







«ЎЗБЕКИСТОН-ОНА ДИЁРИМ»

ЯНГИЙЎЛ шаҳрининг маданий-маърифий муассасаларида байрам шарафига китоб кўргазмалари, учрашувлар, оғзаки ойномалар ўтказилмоқда. Маҳаллаларда «Ўзбекистон — она диёрим менинг» кўрик танлови бошланди. Мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги олдидан бу кўрик танловни биринчи бўлиб С.Султонова маҳалласи бошлаб берди. Уч тур бўйича танловда рақс, қўшиқ, театрлаштирилган саҳна кўрсатувлари намойиш этилади.

Ғолиблар 1 сентябрь куни шаҳар марказидаги бўладиган тантаналарда иштирок этадилар.

К.ТЕМИРОВА.

«БЕШЁҒОЧ» — «МАРС» БИЛАН АЛОҚА БОҒЛАДИ

САКСОНГА яқин одам ишлайдиган бир даргоҳнинг ном қозониши учун нима қилиш керак? Ном қозониш шунинг учун зарурки, бу даргоҳ савдо-сотиқ билан шугулланади. Ахир харидор ҳар доим арзон ва сифатли мол ахтаради. Хўш даргоҳ раҳбари харидорларни жалб этиш учун молларга қўйиладиган одатдаги 40 фоиз устама ўрнига 5 ёки ўн фоиз устама белгиласачи? Шундай холларда моллар тез сотилади. Пул айланиши кучаяди.

Натижада «Бешёғоч» фирмаси Сирғали туманидан ва Чилонзор метро бекати ёнидан савдо тармоқлари очишга эришди. «Газ-53» русумдаги автомобиллар харид қилинди. Қўлбосди (колбоса) ишлаб чиқариш тармоги бунёд этилди. Яна макарон маҳсулотлари тайёрловчи ускуна ҳам ўрнатилянти.

Ўзбекистон миллий боғининг рўпарасида жойлашган «Бешёғоч» фирмаси дўконига кирсангиз ҳушмуомала сотувчиларнинг хатти-ҳаракатидан расталардаги хилма-хил маҳсулотларнинг кўз қамаштириб туришидан анча шошиб қоласиз. Чунки Бешёғоч Англиянинг «Ай-Ди-Ви», Польшанинг «Евротексполь» ҳамда Греция, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия давлатларидаги фирмалар билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

— Яқинда «Анкл Бенц» маҳсулотлари билан савдо-сотиқ қилувчи «Марс» фирмасининг расмий воситачиси (дистрибютор) бўлдик, — дейди «Бешёғоч» фирмаси директори Баҳодир Каримов, — бундай имконият ҳозирча Марказий Осиёда ягона «Бешёғоч»га берилди ва биз бутун Марказий Осиё ҳудудига «Анкл Бенц» маҳсулотларини етказиб берамиз. Ходимларимиз шунингдек Эрон мамлакатида йигирма кун сафарда бўлиб, муҳим шартномалар тузиб қайтишди. Хуллас бизнинг мақсадимиз Канаданинг «Магдоналдс» фирмалари каби қаҳвахоналар очиш, дўконларда супермаркет даражасида хизмат кўрсатишга эришишдир.

Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасму, дейди доно халқимиз. Баҳодир Каримов бошчилик қилаётган «Бешёғоч» фирмасининг аҳил жамоаси шу нақлга амал қилиб ишлашмоқда. Қани энди шундай халқимиз дастурхонини мўл-кўл этиш учун тинмай меҳнат қилаётган фирмалар сони кўпайса!

Т. ЁРҚУЛОВ.

КАМАЛАКЛАР ЖИЛОСИДЕК

МУСТАҚИЛЛИК, истиқлол юртимиз чиройига чирой қўшаётир. Бу ўзгариш айниқса улкан қурилишларда ўз салобати билан яққол кўзга ташланади. Узоққа бормайлик, пойтахтимизнинг Эски шаҳар дахасига бир нигоҳ ташланг. Яқин ўтмишда тор кўчалар, эски услубда қурилган ҳовли-жойлардан иборат бу даханинг бугунги таровати ўзгача. Равон, кенг асфальт йўллар, замонавий услубда қурилган меъморчилик иншоотлари, Шарқона кўриниш касб этаётган савдо расталари бунёд этилди.

— Мустақиллик байрамига ҳамма яқдил бўлиб хизматга сафарбар бўлди., — дейди Янгийўл тумани йўл қурилиш бошқармасининг бошлиғи Адҳамбек Дониёрбеков. — Тошкент вилоятининг юзга яқин ишчи хизматчилари Янгийўл, Зангиота, Тошкент тумани йўлсозлари, муҳандис-ишчилари алоҳида ўрнак бўлишди. Ҳар куни 500-600 тонна асфальт бевосита Янгийўлдан келтирилди. Икки эксковатор, 6 та хориждан келтирилган каток (ер зичлагич), 2 та сув сепадиган машина, 3 та асфальт ётқизадиган ускуналардан фойдаландик.

Шоҳ бекатнинг Қорасарой, Сағбон кўчаларининг эни 36 метрга кенгайтирилиб, йўлнинг икки четига бетон-нов ариқлари ётқизилди. Бу ўз навбатида аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш талабларига жавоб беради. Бир сўз билан айтганда пойтахтнинг Эски шаҳар деб аталиши тарих зарварақларига ёзилиб қолаётир.

С.ЙЎЛДОШЕВА.







Суратларда: Сағбон кўчасининг кечаси ва бугуни; қурилишда жонбозлик кўрсатган вилоят йўлсозларидан бир гуруҳи.

Д. АҲМАД суратлари.

Истиқлол илҳомлари

НОНИНГ БУТУН БЎЛСИН, ЎЗБЕГИМ

Йўқдан доим бор қилади, бўлдиради нон,
Ҳар бир уйнинг ғазнасини тўлдиради нон.
Ҳар бир одам кўзга суртиб эъзозлар уни.
Сўйлатади, куйлатади, кулдиради нон.
Нон бор уйда барака бор, имону-қут бор,
Яшаш ширин эканлигин билдиради нон,
Она замин, мовий кўкка меҳр уйғотиб,
Ҳаёт номли аравани жилдиради нон.
Далаларда чўғ бошоқлар шовуллаган дам,
Ғала-ғовур, шовқинларни тиндиради нон.
Буюк халқим элу-юртга ошлар тортганда,
Тўкин-сочин дастурхонда синдиради нон.
Тўлқин дейди: — Нонинг бутун бўлсин, ўзбегим.
Кимки уни ярим қилса, ўлдиради нон.
Йўқ нарсани бор қилади, бўлдиради нон...

ЯХШИЛИК ҚИЛ

(қўшиқ)

Дунёнинг бор бойлиги яхшилик ичра жамдир,
Қанча яхшилик бўлса, одамга шунча камдир.
Яхшиликни унутса, ҳар кўнгилга бир ғамдир.
Яхшиликни тилаган олижаноб одамдир.
Дунёнинг бор бойлиги яхшилик ичра жамдир.

Яхшиларга эргашиб яхшилик қил, болажон,
Яхшиликни ўзингга доим қарз бил, болажон.
Яхшилик қилсанг агар, яйрайди дил, болажон,
Яхшилик билан яйрар жонажон эл, болажон.
Яхшиларга эргашиб, яхшилик қил, болажон.

Ўтган ҳар бир кунларнинг саодати яхшилик.
Эртанинг соғинчи-ю салобати яхшилик.
Пок яшашнинг покиза чин одати яхшилик,
Ҳар бир инсон умрининг суянч бахти яхшилик,
Шоир Тўлқин дилида қувонч-аҳди яхшилик.

ЭСЛАНУР

Бу дунёда одамларнинг яхши иши эсланур,
Яхши ишни қилган ҳар бир киши эсланур.
Ҳаёт эса ўтаверар тиним билмай зарра ҳам,
Ҳамманинг ҳам турмушида бир юмуши эсланур.
Бободеҳқон боғни кезиб, чўпон адир-яйловни,
Юз йилидан бир йилғa тенг турмуши эсланур.
Покиза зот умр бўйи пок ишларни қилади,
Элда покнинг поклиги-ю, ақли-хуши эсланур.

Кимдир армон билан яшар армонли бу дунёда,
Армонлари, орзулари, ширин туши эсланур.
Бешафқатдир бу чўнг ҳаёт, кўп нарсани ўчирар
Ширин дамлар унутилиб, оҳ уриши эсланур,
Йўл юрганнинг йўли қолур, сув очганнинг ариғи,
Одамларнинг келажак деб уй қуриши эсланур.
Шоир Тўлқин унутма ҳеч, шоирдан ширин сўзи,
Давраларда суҳбати-ю, шеър ўқиши эсланур.
Йиллар ўтиб ҳар одамнинг яхши иши эсланур,
Яхши ишни қилган ҳар бир яхши киши эсланур.

ТЎЛҚИН

СЎНМАСИН ҲУРЛИК — ҚУЁШ

Қушдайин эркин, озод,
Парвоздасан Ватаним.
Келди ҳақиқий ҳаёт —
Эъзоздасан Ватаним.

Тўй қиласан юртим яна,
Истиқлол ошар бир ёш.

Мангу бўлсин бу тантана,
Сўнмасин ҳурлик — қуёш!

Туроб НИЁЗ.

ЎЙНАР

Жаҳон тоқида байроғим ҳилпираб пурвиқор ўйнар.
Буни кўрганда шодликдан, юрак мардонавор ўйнар.

Ясангай ҳар хил алвонла, мустақил юртнинг майдони,
Саҳна узра раққосалар лолалардек қатор ўйнар.

Бир ёнда қизиқчи-ю, цирк, бир ёнда полвон тош отар,
Олти яшар дарбоз билан тутиб лангарни дор ўйнар.

Катта-кичик, ёшу-қари — юрт мустақил озод бари,
Яйраб кетиб борган сари, завқ-ла мастонавор ўйнар.

Яна кабутар учирдилар мустақиллик майдонидан,
Тинчлик рамзин галаси ҳам кўкда дўстанавор ўйнар.

Ҳамма эгнида оҳорлик, гўзал янги либосларда,
Бу кун байрам нашаси-ла дилида ифтиҳор ўйнар.

Яйра меҳнаткаш элим, кел, ҳар он ғаниматдир ҳаёт,
Кўриб аҳли Ватан бахтин, Деҳқоний бахтиёр ўйнар.

Тўхтамурод Деҳқоний.

Байрамга туҳфа

«УМИД ЮЛДУЗИ»

ТОШКЕНТ вилояти ҳокимлиги ва «Наврўз» нашриёти бадиий ижод иҳлосмандларига ажойиб совға тайёрлади. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги байрами арафасида вилоятда яшаб ижод қилаётган бир гуруҳ қаламкашларнинг «Умид юлдузи» деб номланган шеър ва ҳикоялар тўплами мухлислар қўлига етиб борди.

Вилоят ҳокими Маҳкамасининг Матбуот бошқармаси ҳомийлигида чоп этилган ушбу китобга вилоят ҳокими Эркин Рўзиев сўз боши ёзган. «Истиқлол — буюк орзу эди. Унга эришиш йўлидаги курашлар тарихи узундан-узун, — дейилади унда. — Бундан роппа-роса ярим аср илгари оталаримиз Ғалабаси билан хотима топган иккинчи жаҳон урушида ҳам ватан фидойилари аслида худди шундай истиқлол орзусида жон олиб, жон берганлар... Бугунги мустақил юртимиз шоиру-ёзувчилар учун ажиб ижод масканидир. Осмонимиз мусаффо, заминимиз тинч, элимиз осойишта бўлса жамики эзгу орзулар ушалаверади, келажаги буюк бўлган Ватанимиз гуллаб-яшнайверади. Бу эса ижодкорларимизнинг ажойиб асарларида ўз аксини топаверади».



Мазкур тўпламдан ўрин олган асарлар муаллифлари асосан вилоятимизнинг туман ва шаҳарларида туғилиб-вояга етганлар. Китоб муаллифларининг аксарияти адабиёт бўстонида ўз овозларига эга. Улар орасида паркентлик Маҳмуд Тоиров, Ориф Одилхонов, бўкалик Анвар Қурбон, Арслон Умаров, зангиоталик Алиназар Эгамназаров, Абдусаттор Ҳотамов, қибрайлик Маҳкамбой Умаров, Нафиса Турсунова ва бошқалар бор.

Яхши ният билан «Умид юлдузи» деб аталган ушбу китоб нафақат мухлислар учун, балки кўплаб ижодкорлар учун ҳам чин маънода умид юлдузи бўлиб, қалбларга эзгу шуъла таратди. Гап шундаки, вилоят ҳокимлиги бадиий ижод билан шугулланаётган истеъдодли ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсата бошлаган экан, келгусида янада баркамол, сара бадиий асарлар яратилишига шак-шубҳа йўқ!

«Чилонзор-таом» акционерлик жамияти шу жамиятнинг ошхона раҳбари **Мирхалил МИРОМОНОВНИНГ** бевақт вафот этганини чукур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: **700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.**

Телефонлар: *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.*

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0385. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.15. 1 2 3 4 5 6.